

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИБРАГИМОВ ИСРОИЛ УСМАНОВИЧ

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА
ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-
ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Наманган вилояти мисолида)

08.00.13–Менежмент (иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
in economic sciences**

Ибрагимов Исроил Усманович

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тадбиркорлик
фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини
такомиллаштириш (Наманган вилояти мисолида) 3

Ибрагимов Исроил Усманович

Совершенствование организационно-экономического механизма
управления предпринимательской деятельностью в условиях
модернизации экономики (на примере Наманганской области)..... 27

Ibragimov Isroil Usmanovich

Strengthening the organizational-economic mechanism of entrepreneurial
activity management in the condition of modernization of the economy
(the case of Namangan region)..... 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 57

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИБРАГИМОВ ИСРОИЛ УСМАНОВИЧ

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА
ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-
ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Наманган вилояти мисолида)

08.00.13–Менежмент (иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Iqt768 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ғофуров Аҳмадали

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эргашходжаева Шахноза Джасуровна

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Суюнов Дилмурод Холмуродович

иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc27.06.2017.I.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-41-23, e-mail: tsue@tsue.uz.)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:100003, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72).

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги ____-рақамли реестр баённомаси).

Б.Ю. Ходиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

А.Н. Самадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

У.В.Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ҳамда барқарорликни таъминлашдаги аҳамияти тўғрисида илмий тадқиқотлар изчил амалга оширилмоқда. Кичик бизнес АҚШ, Германия, Хитой, Франция, Япония, Италия каби ривожланган мамлакатларда иқтисодиётни барқарорлаштиришда катта аҳамият касб этади. «Халқаро кичик бизнес Кенгаши (ICSB) маълумотларига кўра, кичик бизнес субъектлари барча корхоналарнинг 90% дан ортиғини, иш билан банд бўлганларнинг 60-70% ни, ялпи ички маҳсулотнинг 50% ни ташкил этади»¹. Одатда, 250 тадан кам одам ишлайдиган ушбу корхоналар дунёнинг ривожланган мамлакатлари иқтисодиётининг асосини ташкил этади, иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш ва аёллар, ёш тадбиркорлар ҳамда кам таъминланган аҳоли гуруҳларини ишга жойлаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Жаҳон амалиётида тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари сифатида бошқарувнинг мажмуавий механизмини шакллантириш, давлат ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ўзаро муносабатларини самарали ташкил этиш механизмининг концептуал асосларини яратиш, тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини тармоқ рақобатбардошлигини ошириш стратегияларига асосланган замонавий менежмент тамойиллари асосида такомиллаштириш каби самарали усуллардан оқилона фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган. Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқотлар, жумладан, ҳудудлар ва тармоқлар салоҳиятини инобатга олган ҳолда бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ишлаб чиқиш, бозор талабларига мослашувчан креатив, аутсорсинг ва франчайзинг тамойилларига асосланган бошқарув механизмини яратиш, тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда кластерларни шакллантириш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ташаббускорликни рағбатлантириш, бошқарув механизмларини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб

¹ MSME Day 2019. <http://www.intracen.org/MSME-day/2019/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони 1-илоvasи «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» Lex.uz

берилган. Мазкур вазифаларнинг ҳал этилиши тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сон фармонлари, 2017 йил 1 февралдаги «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2750-сон, 2017 йил 31 январдаги «Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2746-сон қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда бошқаришнинг назарий ва услубий асослари ҳамда уларнинг бошқарув механизмини такомиллаштириш масалалари хорижий иқтисодчи олимлардан А.Смит, Р.Кантильон, Й.Шумпетер, Р.Хизрич, М.Питерс, Ж.Б.Сей, А.Хоскинг, Р.Акофф, Л.Водачек, П.Друкер, Л.Мизес, Ф.Хайек, Э.Харгадон ва бошқаларнинг асарларида кенг ёритилган³.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг моҳияти, назарий асослари ва унинг ҳудудий хусусиятлари бўйича МДҲ олимларидан Л.И.Абалкин, Д.В.Ходос, Г.С.Сеялова, В.В.Радаев, В.М.Власова, А.М.Самозкин, В.Г.Гутман, И.А.Родионова, В.Г.Медынский, Л.Г.Шаршукова ва А.В.Бусыгинлар илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар⁴.

³ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов.–М.: 1976.-332 с.; Кантильон Р. Основы предпринимательской деятельности.- М.: 1994. – 144 с.; Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.:1982.–230 с.; Хизрич Р. Питерс М. Предпринимательство. Вып 1. –М.: 1998.– 126 с.; Сей Ж.Б. Трактат политической экономии – М.: Экономика. 1980.-217 с.; Хоскинг А. Курс предпринимательства.- М.: Международные отношения, 1993. - 273 с. Акофф Р. Искусство решения проблем. – М. Мир, 1992. – 224с.; Водачек Л., Водачкова. Стратегия управления инновациями на предприятии. – М.: Экономика, 2004.-365с.; Друкер П. Управление бизнесом. – М.: Альпина Диджитал, 2016. -250 с.; Мизес Л. Теория и история: Интерпретация социально-экономической эволюции. –М.: Юнити-дана, 2001 -295 с.; Хайек Ф. Право, законодательство и свобода. –М.: Ирисэн, 2006. -220 с.; Харгадон Э. Управление инновациями. Опыт ведущих компаний. –М.: ИД Вильямс, 2007. 340 с.

⁴ Абалкин Л.И. От экономической теории до концепции долгосрочной стратегии // Абалкин Л. Проблемы современной России. М., 2011, с. 39-47. Ходос Д.В. Экономический механизм развития сельскохозяйственного производства. - Красноярск: Изд-во КрасГАУ, 2008. - 234 с. Сеялова Г.С. Организационно-экономический механизм управления предприятиями. Монография. "Оренбург. гос. ун-т". - Оренбург : ОГУ, 2006. - 139 с. Радаев В.В. Экономика переходного периода. Учебное пособие.-М.:1995.-456 с.; Власова В.М. Основы

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари, бошқарув муносабатлари ва ҳудудий хусусиятлари мамлакатимиз иқтисодчи олимлари М.Шарифхўжаев, С.С.Ғуломов, Ё.Абдуллаев, Б.Ю.Ходиев, М.С.Қосимова, Ш.Н.Зайнутдинов, А.Ш.Бекмуродов, Д.Н.Раҳимова, Н.Қ.Йўлдошев, А.Ғофуров, М.Р.Болтабаев, Б.К.Ғойибназаров, С.К.Салаев, Ш.Эргашходжаева, У.В.Ғафуров, Д.А.Артиқова, Д.С.Алиматова ва М.М.Ибрагимоваларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган⁵.

Юқорида қайд этилган илмий ишларда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти, назарий асослари, уни ривожлантириш хусусиятлари тадқиқ этилган. Бироқ, тармоқ ва соҳалар хусусиятларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш масалалари етарлича ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, «Кичик бизнес субъектларида маҳаллий хом ашёдан экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш» мавзусидаги амалий лойиҳа (2015-2017) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришнинг назарий ва услубий асосларини ўрганиш;
тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмга таъсир этувчи омилларни тизимлаштириш;

предпринимательской деятельности. –М.: Финансы и статистика 1996.-106 с.; Самозкин А.М. и др. Теория и практика бизнеса. –М.: РФА.1997.–230 с.; А.Г.Гранберг Основы региональной экономики. М.: ГУ.ВШЭ. 2004. - 495 с.; В.Г.Гутман и др. Управление региональной экономикой М.: Финансы и статистика. 2002. -176 с.; Родионова И.А. Региональная экономика. М.:Экзамен. 2003. -384 с.; Медынский В. Г., Шаршукова Л. Г. Инновационное предпринимательство: Учеб. пособие. –М.: ИНФРА-М, 1997. -237 с.; Бусыгин А. Предпринимательство. –М.: Бусыгин, 2003. -614 с.

⁵ Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Дарслик. –Т.: 2003. -37 б.; Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. –Т.: 2002. -256 б.; Абдуллаев Ё. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари, 100 саволга - 100 жавоб. –Т.: Меҳнат. 2002. -157 б.; Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С. ва бошқалар. Кичик бизнесни бошқариш. –Т.: 2003. –258 б.; Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожини эконометрик моделлаштириш.: И.ф.д. диссертация автореферати. –Т.: 2000. -42 б.; Зайнутдинов Ш.Н. Инновационный менеджмент. –Т.: Академия, 2006. -267 с.; Бекмуродов А.Ш., Йўлдашев Н.К. Менежмент. Ўқув қўлланма. –Т.: «Фан». 2004. – 65 б.; Эргашев Ф., Раҳимова Д., Сағдуллаев А., Парпиев О., Зайнутдинов Ш. Инновацион менеджмент. Дарслик. Т.: Академия, 2005. -90 б.; Ғофуров А. Кичик хўжалик юритувчи тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришнинг минтақавий ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари. Монография. Фарғона: 2008.-74 б.; Болтабоев М.Р., Ғойибназаров Б.К., Отажонов Ш.И. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. -Т.: 2011.-43 б.; Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т.: 2007.-14 б.; Ш.Ж.Эргашходжаева. Инновацион маркетинг. – Т.: Чўлпон, 2014. – 178 б.; Ғафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш.: икт.фан.док...дисс. -Т. ЎзБМА. 2017. – 274 б.; Алиматова Д.С. Минтақаларда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга инвестицияларни жалб этишни такомиллаштириш.: и.ф.д. дисс. автореф. -Т.: ТМИ. 2018. – 77 б.; Ибрагимова М.М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини таркибий ўзгаришлар асосида самарадорлигини ошириш. и.ф.б.ф.д. дисс. автореф.-Т.ТДИУ. 2018. – 54 б.;

Наманган вилоятида тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ривожланиш ҳолати ва бошқарувининг ташкилий-иқтисодий тизимини баҳолаш;

тадбиркорлик фаолиятини бошқариш механизмига таъсир этувчи омилларни корреляцион ҳамда регрессион таҳлил усулларидан фойдаланиш асосида тадқиқ қилиш;

тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган инвестицион фаолиятини рағбатлантиришнинг иқтисодий механизми самарадорлигини ошириш йўллари илмий асослаш;

тадбиркорлик субъектларини самарали бошқаришда давлат ва хусусий сектор фаолиятини мувофиқлаштирувчи тизим ташкил этишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, Наманган вилоятидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бошқарув фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида статистик таҳлил, эмпирик баҳолаш, тизимли ва омилли таҳлил, иқтисодий-математик моделлаштириш, статистик гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, тизимли ёндашув, вазиятли ёндашув ҳамда SWOT таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тадбиркорлик субъектлари инвестицион фаолиятини рағбатлантиришнинг иқтисодий механизми ишлаб чиқаришга киритилган инвестициялар таъсирчанлигини баҳолаш асосида такомиллаштирилган;

худуддаги тадбиркорлик фаолиятини бошқариш механизми ҳар бир тармокнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш имкониятлари ва чора-тадбирларини уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган;

иқтисодиёт тармоқларининг функционал боғлиқлиги жиҳатидан вилоятда кичик интеграцион гуруҳларга ажратиш орқали «ўзаро таъсирли ривожланиш занжирлари»ни шакллантириш асосида тадбиркорлик фаолиятини бошқариш самарадорлигини ошириш асосланган;

вилоят ҳокимлиги таркибидаги тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш гуруҳи ҳамда Савдо-саноат палатасининг Тадбиркорликка кўмаклашиш маркази фаолиятида бизнес лойиҳаларни амалга ошириш ва таваккалчиликни пасайтиришда ваколатларни интеграциялаш таклифи асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг иерархик, тизимлилик, уйғунлилик ва мувофиқлик тамойиллари ишлаб чиқилган;

тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми ишлаб чиқилган;

тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми алоҳида тармоқ манфаатларини таъминловчи «Корпоратив ҳамкорлик» интеграцион фаол тизими асосида ишлаб чиқилган;

худудларда тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми инфратузилма объектлари масъулияти ва фаоллигини ошириш имконини берувчи мувофиқлаштирувчи тизимни ташкил этиш асосида ишлаб чиқилган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таниқли иқтисодчи олимларнинг бошқарув фаолияти борасидаги илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш, корхоналарнинг статистик ва бухгалтерия ҳисоботлари, муаллифнинг бошқарув тадқиқоти натижалари, расмий статистик маълумотлар ҳамда бошқа расман эълон қилинган амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини тўлақонли баҳолаш имкониятини берувчи методологик ёндашувларни ишлаб чиқишда фойдаланилади. Таклиф этилган тадқиқот усуллари тадбиркорлик субъектларини самарали бошқариш механизмини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадбиркорлик фаолиятини бошқариш механизмини шакллантиришда, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш инфратузилмаси ташкилий-иқтисодий механизмини ишлаб чиқишнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганишда, кичик бизнесни тармоқ ва соҳалар доирасида ўзига хос бошқарув стратегияларини ишлаб чиқиш ҳамда «Кичик бизнесни бошқариш», «Тадбиркорлик асослари» фанларини ўқитишда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тадбиркорлик субъектлари инвестицион фаолиятини рағбатлантиришнинг иқтисодий механизми ишлаб чиқаришга киритилган инвестициялар таъсирчанлигини баҳолаш асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар Ўзбекистон савдо-саноат палатасига аъзо бўлган тадбиркорлик субъектлари фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг 2018 йил 2 ноябрдаги С11/4Б-18-11314-сон маълумотномаси). Натижада Наманган вилоятидаги тадбиркорлик субъектларига киритилган инвестицияларни самарали соҳаларга йўналтириш ҳисобига қўшимча 300 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган ва хизматлар кўрсатилган;

худуддаги тадбиркорлик фаолиятини бошқариш ҳар бир тармоқнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш имкониятлари ва чора-тадбирларини уйғунлаштириш асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг бошқарув фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг 2018 йил 2 ноябрдаги С11/4Б-18-11314-сон

маълумотномаси). Натижада тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш самарадорлиги ортиши ҳисобига кўшимча 800 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган ва хизматлар кўрсатилган;

иктисодиёт тармоқларининг функционал боғлиқлиги жиҳатидан вилоятда кичик интеграцион гуруҳларга ажратиш орқали «ўзаро таъсирли ривожланиш занжирлари»ни шакллантириш асосида тадбиркорлик фаолиятини бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар Ўзбекистон савдо-саноат палатасига аъзо бўлган тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг 2018 йил 2 ноябрдаги С11/4Б-18-11314-сон маълумотномаси). Натижада Наманган вилоятида тадбиркорлик субъектлари томонидан 26 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган ва тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш салоҳияти 7 фоизга, экспорт салоҳияти эса 4 фоизга ошган;

вилоят ҳокимлиги таркибидаги «тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш гуруҳи» ҳамда Савдо-саноат палатасининг Тадбиркорликка кўмаклашиш маркази фаолиятида бизнес лойиҳаларни амалга ошириш ва таваккалчиликни пасайтиришда ваколатларни интеграциялаш бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон савдо-саноат палатасига аъзо бўлган тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг 2018 йил 2 ноябрдаги С11/4Б-18-11314-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларни Наманган вилоятида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятига жорий этилганда 102 минг АҚШ доллари миқдорида кўшимча маҳсулот экспорт қилинишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро, 16 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 38 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, 9 та маҳаллий журналларда, 4 та халқаро журналларда илмий мақола, 23 та маъруза тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, унинг ҳажми 155 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларининг назарий асослари» деб номланган биринчи бобида иқтисодийни модернизациялаш шароитида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқаришнинг зарурлиги ҳамда аҳамияти, тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий–иқтисодий механизмини шакллантиришнинг назарий-услубий асослари ўрганилган. Тадбиркорлик фаолиятининг бошқариш механизмига таъсир этувчи омиллар шакллантирилган ва тизимлаштирилган.

Иқтисодийнинг инновацион ривожланиши ва такомиллашувига мослашувини таъминлаш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг имконияти ва зарурияти ҳамда стратегик вазифалардан келиб чиққан ҳолда, КБХТни юксалтиришга бирламчи эътибор қаратилиши талаб этилиб, амалга оширилаётган ислохотлар таркибида асосий ўринни эгаллайди.

Тадбиркорлик фаолиятини бошқариш механизми – тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, уни юритишнинг усул, услуб ва тамойиллари мажмуи бўлиб, улар ёрдамида бизнес фаолиятини бошқариш жараёни, муносабатлари ҳамда улар ўртасидаги алоқа амалга оширилади. КБХТ фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришнинг зарурияти мамлакат ички бозорини зарур истеъмол товарлари ва хизматлар билан таъминлаши, бандлик муаммосини ечиши, ташқи ва ички бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини ошириб, конъюктура ўзгаришларига мослашувчанлиги ва инноваторлиги юқорилиги билан изоҳланади.

Ҳар қандай бошқарув тизими аниқ механизмлар таъсирида ҳаракатга келади. Муаллиф фикрича, механизм иқтисодий ҳодисаларнинг муайян кетма-кетлигини ўз ичига олади, уни ташкил этувчи элементлари бир вақтнинг ўзида ҳам кирувчи, ҳам чиқувчи ҳодиса, шунингдек, улар ўртасида юзага келадиган жараёндир. Бошқарув механизми эса бошқарув тизимлари фаолиятини аниқ мақсадларга йўналтириш ва ташкил этиш услуби бўлиб, ташкилий-иқтисодий тизим фаолиятини таъминлаб берувчи муносабатлар, шакллар ва воситаларнинг уйғунлигидир.


Ташкилий-иқтисодий механизм кўп ҳолларда «иқтисодий механизм», «ташкилий механизм» ва «хўжалик механизми» тушунчалари орқали ҳам ифодаланади. Ташкилий-иқтисодий механизм ҳақида илмий тадқиқотларда иқтисодий ҳодисаларнинг аниқланган мажмуи ёки кетма-кетлиги, қарор қабул қилиш жараёнида ташкилот элементларининг яхлитлиги, ресурслар билан таъминлаш ва тақсимлаш тизими, бошқарув объектларига таъсир қилишнинг асосий усуллари каби қарашлар мавжуд.

Муаллиф фикрича, бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми бу ўзаро бир-бири билан боғланган элементлар мажмуи бўлиб, бу элементлар ташкилий, иқтисодий, баъзан технологик жиҳатдан қуйи даражадаги кичик тизимчаларнинг ўзаро боғланиши сифатида асосланган. Тизимнинг қуйи даражадаги ҳар бир звено ёки элемент фаолиятининг натижаси юқори даражадаги звенолар учун бошланғич маълумот ёки манба бўлиб хизмат

қилади. Демак, тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий-иқтисодий механизмини 2 та блокка ажратиш мумкин:

ташкилий механизм, бу ўз таркибига маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш, ташкилий структура, бошқарувнинг функция ва усуллари, меҳнатни ташкил этиш, ахборот таъминоти ва бошқаларни олади;

иқтисодий механизм, бу ўз таркибига режалаштириш ва башоратлаш, нархлаштириш, молиялаштириш ва кредитлаш, суғурта, мотивлаштириш ва бошқаларни олади (1-расм).



1-расм. Тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмнинг асосий элементлари⁶

Тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ишлаб чиқиш бўйича муаллиф ёндашувларига кўра, ташкилий-иқтисодий механизм КБХТнинг тармоқ хусусиятларини ҳисобга олувчи менежмент тамойиллари ҳисобланган иерархия, тизимлилик, уйғунлилик ва мувофиқликка асосланиши, шунингдек, хўжалик механизми ташкилий-иқтисодий механизмнинг таркибий қисми асосини ташкил этиши лозим.

Диссертациянинг «**Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий тизими таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида тадбиркорлик субъектлари фаолияти бошқарувининг ташкилий тизими ва унинг ривожланиш ҳолати таҳлил қилиниб, тадбиркорлик фаолиятини бошқариш механизмига таъсир этувчи омиллар асосида корреляцион функциялар яратилган. Тадбиркорлик соҳасини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми элементлари SWOT таҳлили асосида ўрганилиб, ривожлантириш имкониятлари баҳоланган.

⁶ Муаллиф ишланмаси.

Ўзбекистон Республикасида КБХТ энг ривожланган ҳудудлардан бири Наманган вилояти ҳисобланади. Наманган вилоятида кичик бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектларининг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотларидаги улуши 2018 йилда 70,6 фоизни ташкил этди. Вилоятда 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, жами 16928 та кичик бизнес субъектлари рўйхатга олинган бўлиб, бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 102,4 фоизга кўпайди. 2018 йил якуни билан кичик бизнес субъектларининг вилоят саноатидаги улуши 68,4 фоиз, қурилиш ишларида 93,9 фоиз, жами хизматларда 73,7 фоиз, экспортда 66,7 фоизни ташкил этди.

Наманган вилоятида 2013 йилда кичик бизнес субъектларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1629,5 млрд. сўмни, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 1013,9 млрд. сўм, озиқ-овқат маҳсулотлари (ароқ-вино маҳсулотларидан ташқари) ишлаб чиқариш 529,4 млрд. сўм, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2429,1 млрд. сўм, чакана савдо айланмаси 2898,5 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткичлар мувофиқ равишда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 3901,7 млрд. сўмни, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 2715,5 млрд. сўм, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1134,7 млрд. сўм, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2493,1 млрд. сўм, чакана савдо айланмаси 4575,4 млрд. сўмни ташкил этган (1-жадвал).

1-жадвал

Наманган вилоятида кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажми⁷ (млрд. сўм)

№	Тармоқлар	2013 й	2014 й	2015 й	2016 й	2017 й
1	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1629,5	1964,9	2685,2	3411,2	3901,7
2	Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш	1013,9	1205,1	1779,9	2193,4	2715,5
3	Озиқ-овқат маҳсулотлари (ароқ-вино маҳсулотларидан ташқари)	529,4	574,5	922,7	1101,1	1134,7
4	Нооziқ-овқат маҳсулотлари	435,6	577,9	826,1	1072,5	1557,1
5	Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	2429,1	2877,1	3161,5	3568,1	2493,1
6	Қурилиш ишларини бажариш	726,7	928,8	1109,7	1260,7	1552,8
7	Чакана савдо айланмаси	2898,5	3506,5	4083,4	5173,5	4575,4
8	Жами кўрсатилган хизматлар	1948,5	2565,9	2729,3	3911,9	5072,7

2017 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2012 йилга нисбатан қарийб 4 баробарга ошиб, 867,8 млрд. сўмни ташкил этди, мазкур маблағлар ҳисобига ҳудудларда 300 мингтадан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Вилоятда тадбиркорлик субъектларини иқтисодий фаоллик асосида ривожлантиришга қаратилган иқтисодий механизмнинг самарали ташкил этилиши, аввало, стратегик режалаштиришга, барча субъектларнинг аниқ

⁷ Наманган вилояти Статистика бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

мақсадларга йўналтирилганлигига, комплекслилик, мослашувчанлик даражаларини тармоқ ва субъект хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бўлишини тақозо этади. Шунингдек, КБХТ субъектлари фаолиятини бошқаришнинг бугунги ҳолати кўпроқ инвестиция ва кредитларни тармоқ ҳамда соҳаларга мақсадли йўналтиришни талаб этмоқда.

Наманган вилоятида кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар динамикаси асосида ташкилий-иқтисодий механизмнинг мавжуд аҳволи ва уни самарали бошқаришни ташкил этиш борасидаги асосий муаммоларни эконометрик моделлар асосида баҳолаш имкониятлари мавжуд.

Тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини тармоқ хусусиятларига кўра баҳолашнинг бир қатор усуллари мавжуд бўлиб, омилларнинг салмоғига аниқ баҳо беришда математик моделлаштириш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ушбу усуллардан асосийлари корреляцион ва регрессион усуллардир. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан фойдаланган ҳолда кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш мақсадида нозикли боғланишларнинг даврий математик корреляцион усул ёрдамида 0,95 дан юқори бўлган математик моделлар олинди (2-жадвал).

2-жадвал

Наманган вилоятида кичик бизнес ривожланишини фойдаловчи функциялар⁸

№	КБХТнинг ривожланиш индикаторлари	Олинган функциялар	Детерминация коэф-ти
1	Ажратилган кредитлар (X_{kr})	$X_{kr} = 12940X_{2010}^2 - 8549.4X_{2010} + 120580$	$R^2 = 0,99$
2	Кирилган инвестициялар (X_{in})	$X_{in} = -6952.2X_{2010}^5 + 148757X_{2010}^4 - 1000000X_{2010}^3 + 4000000X_{2010}^2 - 6000000X_{2010} + 3000000$	$R^2 = 0,98$
3	Саноат маҳсулотлари (Y_{sm})	$Y_{sm} = 42412X_{2010}^2 + 75011X_{2010} + 666954$	$R^2 = 0,99$
4	Халқ истеъмоли моллари (Y_{im})	$Y_{im} = 36038X_{2010}^2 - 6509.1X_{2010} + 462926$	$R^2 = 0,99$
5	Озиқ-овқат маҳсулотлари (Y_{oo})	$Y_{oo} = -3643.3X_{2010}^4 + 63999X_{2010}^3 - 365550X_{2010}^2 + 874799X_{2010} - 310615$	$R^2 = 0,98$
6	Ноозиқ-овқат маҳсулотлари (Y_{noo})	$Y_{noo} = 117701\exp(0.3202X_{2010})$	$R^2 = 0,99$
7	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (Y_{qh})	$Y_{qh} = -10875X_{2010}^3 + 127546X_{2010}^2 - 4153.8X_{2010} + 1000000$	$R^2 = 0,99$
8	Қурилиш ишлари (Y_{qq})	$Y_{qq} = 170341X_{2010} + 101095$	$R^2 = 0,98$
9	Чакана савдо (Y_{chs})	$Y_{chs} = -8740.8X_{2010}^4 + 134090X_{2010}^3 - 654141X_{2010}^2 + 2000000X_{2010} + 108306$	$R^2 = 0,98$

⁸ Наманган вилоятида КБХТ 2010-2017 йиллардаги ривожланиш индикаторлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Республикада КБХТ фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини самарали ташкил этиш, аввало, уларни кредитлаш ва инвестициялаш жараёнларини мутаносиб соҳаларга йўналтирилиши билан боғлиқ. Шунга асосан, муаллиф томонидан муаммони аниқловчи омиллар тизими шакллантирилган. Гуруҳланган омиллар бўйича боғлиқ ўзгарувчилар сифатида тадбиркорлик субъектлари учун ажратилган кредитлар, киритилган инвестициялар, мустақил ўзгарувчилар сифатида тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар қабул қилинди. Танланган омиллар бўйича Наманган вилоятида КБХТ фаолиятининг 2010-2017 йиллардаги асосий иқтисодий кўрсаткичларини, яъни ривожланиш даражасини белгиловчи омилларнинг йиллик ўзгаришига кўра статистик боғланишларини корреляция коэффиценти $r > 0.95$ ҳолатида чизикли моделлар олинган.


КБХТ субъектлари фаолиятининг танлаб олинган асосий омиллар бўйича аниқланган чизикли моделлар асосида ажратилган кредитларнинг тармоқ ва соҳаларга таъсирини баҳоловчи параметрик боғлиқлик модели қурилди:

$$y(x) = \begin{cases} x_{kr} = f(t) \\ y_i = \varphi(t) \end{cases} \quad (1)$$

Бунда: $x_{kr} = f(t)$ – кичик бизнес субъектларига йўналтирилган кредитларнинг вақтга нисбатан статистик корреляцион функцияси (2-жадвал маълумотлари асосида, X_{kr});

$y_i = \varphi(t)$ – тадбиркорлик субъектларининг тармоқ кўрсаткичларини вақт бирлигида ўзгаришининг корреляцион функцияси (2-жадвал маълумотлари асосида, X_{in}).

Қуйидаги расмда қурилган моделдан фойдаланиб, боғлиқлик диаграммалари келтирилган (2-расм, бирликлар млн.сўм).



2-расм. Наманган вилоятида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитларга нисбатан иқтисодий ривожланиш индикаторларининг нисбий ўсиши, млн. сўм⁹

⁹ Муаллиф ишланмаси.

2-расмда горизонтал сон ўқида кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар, вертикал сон ўқида кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматларнинг ўзаро боғланиш графиги тасвирланган. Наманган вилоятида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитларга нисбатан тармоқ ва соҳаларнинг нисбий ўзгаришини ифодаланиши акс эттирилган. Келтириб ўтилган функция бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш КБХТ субъектларига ажратилган кредитларнинг тармоқ ва соҳаларни қай даражада ривожланишига сабаб бўлганлиги, кредитлар ўзгаришига нисбатан тармоқларнинг қай даражада юксалишини параметрик таққослаш имкониятини беради. Унга кўра, вилоятда ҳалқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш, чакана савдо ҳамда қурилиш соҳаларига йўналтирилган кредитлар мақсадли бўлиб, кредитлар ҳисобига ривожланиш даражасини акс эттирмоқда.

Наманган вилоятида кичик бизнес субъектларига киритилган инвестициялар ва берилган кредитларга нисбатан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматларнинг нисбий ўсиш коэффициентлари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Наманган вилоятида 2010-2017 йилларда кичик бизнес субъектларига киритилган инвестиция ва берилган кредитларга нисбатан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматларнинг нисбий ўсиш коэффициентлари¹⁰

№	Ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар	Кредитлар	Инвестициялар
1	Берилган кредитлар	1	-
2	Киритилган инвестициялар	-	1
3	Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	0,625	0,359
4	Ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш	0,764	0,439
5	Озиқ-овқат маҳсулотлари (ароқ-вино маҳсулотларидан ташқари)	0,474	0,272
6	Нооziқ овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1,277	0,733
7	Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	0,310	0,178
8	Қурилиш ишларини бажариш	0,528	0,303
9	Чакана савдо айланмаси	0,366	0,210
10	Жами кўрсатилган хизматлар	0,486	0,279

Қурилган (2) модель ёрдамида Наманган вилоятида КБХТ субъектларига ажратилган кредитларни тармоқларни ривожлантиришдаги таъсирини баҳоловчи модель таклиф этилди, бу ерда 2-модель 1-моделдан келиб чиқиб, 2010 йилга нисбатан ўсиш суръатини белгилаб беради:

$$K = \left(\frac{Y_{sm17} - Y_{sm10}}{\text{sum}(2010)} \right) / \left(\frac{Y_{k17} - Y_{k10}}{\text{sum}_k(2010)} \right) \quad (2)$$

Бунда: Y_{sm10} – 2010 йилда кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари;

¹⁰ Манба: жадвал муаллиф томонидан тайёрланган.

Y_{sm17} – 2017 йилда кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари;

$sum(2010)$ – 2010 йилда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари;

$sum_k(2010)$ – 2010 йилда берилган кредитлар;

Y_k - 2010 йилда кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар.

Наманган вилоятида КБХТ субъектларига ажратилган кредитларнинг тармоқларни ривожлантиришдаги таъсирини баҳоловчи модель 2010 йилга нисбатан кредитлар асосида танланган омилларнинг нисбий ўсиш коэффициентлари 2-жадвалда келтирилган корреляцион функция ёрдамида ҳисобланади. Наманган вилоятида тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитлар улар фаолиятида ўз таъсирини тезроқ намоён этади, инвестициялар таъсир даражаси секинроқ юз беради.

Диссертациянинг «Иқтисодийни модернизациялаш шароитида тадбиркорлик фаолиятини ташкилий-иқтисодий бошқариш механизмини такомиллаштириш ва инфратузилмалар салоҳиятидан самарали фойдаланиш» деб номланган учинчи бобда тадбиркорлик фаолиятини ташкилий-иқтисодий бошқариш механизмини такомиллаштириш масалалари, рағбатлантириш механизми самарадорлигини ошириш усуллари, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш инфратузилмаси ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини самарали бошқаришда мувофиқлаштирувчи тизимларни ташкил этиш, ваколатларни интеграциялаш тўғрисида таклифлар тайёрланган.

Олинган натижаларни таҳлил қилиб, тармоқларни гуруҳларга ажратилди ва қуйидаги хулосаларга келинди, биринчи гуруҳ иқтисодий тармоқлари ўз-ўзини таъминлаш қобилияти юқори даражада, маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан сотиладиган маҳсулот юқори даражали қиймат келтирувчи фаолият сифатида тавсифланади (4-жадвал).

4-жадвал

Наманган вилоятида тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини тармоқлар бўйича шакллантиришнинг стратегик йўналиши¹¹

№	Тармоқлар гуруҳи	Ажратилган кредитларга нисбатан нисбий ўсиш коэффициенти	Киритилган инвестицияларга нисбатан нисбий ўсиш коэффициенти
1	1 гуруҳ - ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари	1,27	0,73
		0,76	0,43
2	2 гуруҳ - саноат маҳсулотлари ва қурилиш ишларини бажариш	0,63	0,36
		0,52	0,30
3	3 гуруҳ – жами кўрсатилган хизматлар, озиқ-овқат маҳсулотлари	0,48	0,28
		0,47	0,27
4	4 гуруҳ – чакана савдо айланмаси ва ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	0,36	0,21
		0,31	0,18

¹¹ 2010-2017 йиллар оралиғида нисбий ўсиш коэффициенти асосланган ҳолда тузилган.

Иккинчи гуруҳ тармоқларида тизимни ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Ишлаб чиқарувчиларнинг кооперацияси ва биргаликдаги фаолиятини инновацион-инвестицион лойиҳа асосида амалга ошириш орқали соҳаларни инновацион ривожланишдаги ўсишнинг асосий нуқтаси деб билиш керак. Учинчи гуруҳ тармоқлари маҳсулот ишлаб чиқариш ва қайта ишлашнинг заифлиги, талабнинг бошқа тармоқларга нисбатан таъминланганлиги билан тавсифланади. Тармоқларда ҳам ишлаб чиқариш, ҳам қайта ишлаш, маҳсулот сифати ва унинг товарбоплилигини кўтариш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш мумкин. Тўртинчи гуруҳдаги тармоқлар маҳсулот истеъмолини, ишлаб чиқариш ва қайта ишлашнинг пастлиги билан тавсифланади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ривожланишига эътибор қаратиш, сарф-харажатларни оптималлаштириш, саноат технологиясини такомиллаштириш, товарларнинг истеъмол қийматини ошириш талаб этилади.

Шунинг учун, 2-бобдаги таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, қуйидаги формулани таклиф этдик:

$$y^*(x) = \begin{cases} x_{in} = f(t) \\ y_{oom} = \varphi(t) \end{cases} \quad (3)$$

Бунда: $x_{in} = f(t)$ - кичик бизнес субъектларига киритилган инвестицияларнинг вақтга нисбатан статистик корреляцион функцияси (2-жадвал маълумотлари асосида, X_{in});

$y_{oom} = \varphi(t)$ - тадбиркорлик субъектларининг тармоқ кўрсаткичларини вақт бирлигида ўзгаришининг корреляцион функцияси (2-жадвал маълумотлари асосида, Y_{oom}).

Инвестицияларнинг таъсирчанлигини баҳолаш модели натижаларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида инвестициялардан самарали фойдаланиш учун улар фаолиятини замонавий, тармоқлараро интеграцион фаолиятини рағбатлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини шакллантиришни тақозо этади, у қуйидаги функцияларни бажариши лозим: рағбатлантирувчи ва мотивацион. Натижада, шахсий ва гуруҳли манфаатлар мослашувига эришилади, кучли тармоқлар томонидан кучсиз тармоқлар ривожланишидан манфаатдорлик натижасида механизмдаги инструментларда кўзда тутилган ҳолда компенсацияланади, бу узок муддатли истиқболда муайян ижобий мотивацион мослама яратади (инвестицион фаолликни рағбатлантиради).

Рағбатлантирувчи-мотивацион функция тармоқлар гуруҳини интеграцион ҳамкор сифатида кўриб чиқиш рақобат таҳдидисиз ёки интенсив рақибликни чегаралашда ҳаракатлар координацияси ва умумий манфаатлар соҳаларида ўзаро яхшиланиш учун қулай шароитларни аниқлашга имкон беради, кейинги инвестицион муносабатлар ривожланишига мотивацияни яратади. Ишлаб чиқариш салоҳияти юқори бўлган тармоқ томонидан салоҳияти паст бўлган тармоққа инновацион ғоя ва иккиламчи инвестиция киритади. Шунингдек, ўзаро тажриба алмашишни шакллантириш, тармоқлараро инвестицион ҳамкорликни ривожлантириш талаб этилади. Натижада, кучсиз тармоқнинг

ишлаб чиқариш салоҳияти ошади. Шундай қилиб, шахсий ва гуруҳли манфаатлар мослашувига эришилади.


Тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмининг шаклланиш жараёни замонавий хорижий методлар ва ташкилотни модернизациялаштиришни инвестицион таъминлашда ташкилий-ҳуқуқий шаклларни ўрганиш билан ўзаро боғланган.

Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, 3- ва 4-гуруҳ тармоқларида, яъни озиқ-овқат маҳсулотлари ва ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоқларида фаолият кўрсатувчи кичик бизнес субъектларида мавжуд муаммоларни аниқлаймиз. Аниқланган муаммолар ҳар бир тармоқнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш имконият ва чора-тадбирларини уйғунлаштириш асосида бартараф этилади. Аввал аниқланган муаммолар тизимлаштирилади. Унга таъсир этувчи барча омиллар ўрганилади. Маҳаллий ҳокимият органлари, Савдо-саноат палатаси, ТКМлар ва илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда хорижий давлат тажрибаларига асосланган «Experimental adaptation» тизими асосида тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг замонавий усуллари, восита ва тамойиллари амалиётга жорий этилган ҳолда муаммолар ечими аниқланади.

Республикада кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар динамикаси асосида ташкилий-иқтисодий механизмнинг мавжуд аҳволи ва уни самарали бошқаришни ташкил этиш борасидаги ҳолат ўрганилганда, кичик бизнес субъектлари томонидан ноозиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошқа тармоқларга нисбатан юқори даражадалиги, қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш вилоят салоҳиятига нисбатан жуда паст даражада эканлиги аниқланди. Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг барча соҳалари учун тенг имтиёз ва имкониятлар яратилган.

Иқтисодий ўзгаришларга тармоқ мослашувининг ташкилий-иқтисодий механизмини шакллантиришда «Experimental adaptation» тизимининг ахборотлар базаси яратилгандан сўнг, хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, муаммоларни бартараф этиш усул ва воситалари аниқланади. Базадаги маълумотлар асосида тармоқ рақобатбардошлилигини ошириш имкониятлари ва чора-тадбирлар уйғунлаштирилади. Тармоқнинг кучли ва кучсиз томонлари аниқлангандан сўнг, аниқ режалар ишлаб чиқилади. Агар, бошқаришни ташкилий-иқтисодий механизми мажбурий тартибда иштирокчиларни ўзаро фаолияти (субъект ва объектни бошқариш) тизими орқали иштирокчилар билан шаклланган мақсад ва ресурсларга чегараловларни, натижавийликни иқтисодий кўрсаткич тизимини қўлласа ҳамда керакли ахборот таъминотига эга бўлса, ташки муҳит билан самарали фаолият юритишга имкон берадиган ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий характерга эга бўлган тузилишдаги нормалар йиғиндиси сифатида кўриб чиқиш мумкин (3-расм).

Шунингдек, тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, ҳудудларда тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини шакллантиришда тармоқ хусусиятларининг барча жиҳатларини ҳисобга олиш, тармоқлар ўртасидаги уйғунлик ва тизимлиликни самарали йўлга қўйиш талаб этилмоқда.



3-расм. Тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг «Experimental adaptation» тизимига асосланган иқтисодий ўзгаришларга тармоқ мослашувининг ташкилий-иқтисодий механизми¹²

¹² Муаллиф ишланмаси.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ҳудудларда тадбиркорлик фаолиятини изчил ривожлантиришда тармоқларнинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш зарур. Чунки, тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини шакллантиришда тармоқларнинг мақсади, фаолият юритишнинг асосий функциялари, унинг кўрсаткичлари ва хусусиятларини аниқлаш ва ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг тармоқ манфаатларини таъминловчи «ўзаро таъсирли ривожланиш занжирларини» шакллантиришнинг интеграцион фаол тизимига асосланган ташкилий-иқтисодий механизми тармоқларнинг ҳудудий ҳамжиҳатлигини таъминлайди (4-расм).

Механизмдан фойдаланиб ҳудудларда тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлаш, инвестицион фаолиятни рағбатлантиришнинг мақсадли чоратадбирлар мажмуи ва дастурлари ишлаб чиқилади. Муаллиф фикрича, тадбиркорлик субъектларини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини шакллантиришнинг асосий йўналишлари қуйидаги тамойилларга асосланишни мақсадга мувофиқ деб топилган:

тизимлилик – ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, иқтисодий ва ташкилий жараёнларда тармоқ тизимнинг таркибий қисми бўлиб, тармоқни эса ҳудуд, ҳудудни эса йирик даражадаги, ҳаракатдаги тизимнинг элементи сифатида баҳоланиши;

уйғунлилик – ечилиши лозим бўлган масалаларни ўзаро муносабат, очик мулоқот ва ўзаро амалий ҳамжиҳатлик асосида тармоқлар ривожланишини таъминлаш;

мувофиқлилик – тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини шакллантиришда тармоқлар мақсади, фаолият юритишнинг асосий функциялари, уларнинг кўрсаткич ва хусусиятларини аниқлаш ҳамда ҳисобга олиш.

Тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий механизми алоҳида тармоқ манфаатларини таъминловчи интеграцион фаол тизим асосида такомиллаштириш натижасида:

мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиқиб, тармоқ хусусиятларини ҳисобга олувчи ташкилий-иқтисодий механизм яратилади;


тадбиркорлик субъектлари бошқарув фаолиятида тармоқ ва тармоқлараро муносабатларни шакллантирувчи таркибий тузилмалар шакллантирилади;

оқсаётган тармоқлар ривожланган тармоқлар кўмаги билан янги техника-технологияларни ўзлаштиради, маҳаллий хом ашёлардан экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш янада ривожланади;

тармоқларнинг ўзаро алоқадорликдаги муносабатларини мужассам этган тизимли ёндашув вужудга келади;

ҳудуддаги барча тармоқларнинг уйғунликдаги фаолияти таъминланади, мувофиқлаштирилади;

тадбиркорлик субъектларининг фаолиятида сифат ва натижаларни оширган ҳолда маҳаллий хом ашё ва ресурслардан унумли фойдаланиш даражаси ортади.



4-расм. Тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг тармоқ манфаатларини таъминловчи «ўзаро таъсирли ривожланиш занжирларини» шакллантиришнинг интеграцион фаол тизимига асосланган ташкилий-иқтисодий механизми¹³

¹³ Муаллиф ишланмаси.

Тадбиркорлик фаолияти ривожланишидаги жуда ҳам муҳим ва қимматли воситалардан бири тармоқлар фаолияти ҳамкорлигида намоён бўлади, унда муайян жараёнлар ва фаолият турининг интеграциясига асосланган ҳамда улар орасидаги мавжуд ва пайдо бўладиган ўзаро қарама-қаршилиқлар, тўсиқларни келишув ва мунозаралар асосида бир-бирини тушуниш орқали коммуникацион тизимни йўлга қўйиш асосида ташкилий-иқтисодий муносабатларнинг янги типи тушунилади. Тармоқлар ҳамкорлигида улар узок муддатли, қатъий, тенг ҳуқуқли ва икки томонлама фойдали бўлган принципларга асосланган, жамият ривожидидаги турли доирадаги аниқ функционал соҳа бўйича чегараланишларни, мувофиқлаштириш ва координацияни таъминлаб берувчи маълум шаклдаги ўзаро ҳаракат ва барча иштирокчиларнинг ҳамкорлиги инобатга олинади.

Бундай ҳолларда тармоқ рақобатбардошлигини оширишдаги саволлар ҳамда режаларни муҳокама қилиш, тадбиркорлик фаолияти олиб боришга тўсқинлик қилаётган маъмурий масалаларни аниқлаш, бизнес ҳамжамияти вакиллари меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқишда иштирок этишлари учун жалб қилиш, ҳудудий ва тармоқли бизнес кластерларини қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ҳукумати инфратузилма лойиҳаларини изчил амалга оширишга хусусий секторни жалб этиш бўйича фаол ҳаракат қилиб келмоқда. Ҳокимият ва бизнес ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг самарали шакллари ишлаб чиқиш ислохотларнинг бир қисмидир. Бугунги кунда давлат-хусусий шерикликни ижтимоий соҳа ташкилотларида, республикамизнинг чекка ҳудудларида ҳам ихчам, барча қулайликларга эга болалар боғчалари, мактаблар ташкил қилиниб, самарали ишлаётганида кўриш мумкин. Зеро, иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш тармоқларида ҳам ушбу амалиётни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Хусусан, ҳокимият ва бизнес шерикликни ривожлантириш бўйича тармоқ дастурлари ишлаб чиқиш, ҳокимият ва бизнес шериклик лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолаш услубини ишлаб чиқиши, лойиҳаларни амалга оширишда тармоқлараро мувофиқлаштиришни таъминлаши лозим бўлади. Шу билан бирга, ҳокимият ва бизнес шерикликни ривожлантириш масалаларида инвесторлар, халқаро молия ва донор ташкилотлари, илмий ва эксперт ҳамжамятлари, шунингдек, бозорнинг бошқа иштирокчилари билан ҳамкорликни ташкил қилиш ҳам асосий вазифа сифатида белгиланиши лозим.

Тадбиркорлик фаолияти инфратузилмаси ташкилий-иқтисодий механизми ҳудудларда ҳокимият ва бизнес шерикчилик фаолиятини мувофиқлаштирувчи тизимни ташкил этишни талаб этади. Ҳудудларда тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ҳокимият ва ТКМ ваколатларини интеграциялаш тизими тадбиркорлик субъектлари фаолиятини самарали бошқариш имконини берувчи ахборот-таҳлил, ресурс таъминоти, илмий тадқиқот ва назоратни мувофиқлаштирувчи тизим ўзаро бир-бири билан боғланган элементларнинг иерархик муносабатлари асосида шаклланган бўлиб, мураккаб кўринишдаги ташкилий тузилма ҳисобланади (5-расм).



5-расм. Худудларда тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ҳокимият ва ТКМ ваколатларини интеграциялаш тизими¹⁴

Ушбу механизм мақсадга йўналтирилган, кўп мақсадли тизим ҳисобланиб, ҳам ички, ҳам ташқи омиллар асосида шаклланади. Унинг асосий элементлари худуднинг ресурслар салоҳияти, инвестицион муҳит ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг реал ҳолати ҳисобланади. Ҳокимият ва бизнес фаолиятини мувофиқлаштирувчи тизимни ташкил этиш тадбиркорлик фаолиятини

¹⁴ Муаллиф ишланмаси.

инфраструктуравий таъминлаш хусусиятларидан келиб чиқиб, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг барча восита ҳамда усулларини мувофиқлаштиришни талаб этади. Бундан ташқари, кўпгина тадбиркорлик субъектлари фаолиятнинг истиқболли йўналишларини мустақил аниқлай олмайдилар, шундай экан, мавжуд берилган имконият, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлардан фойдаланишнинг кичик корхоналар учун самараси пасаяди. Самарали натижага эришишда уларга юқори малакали ёрдам керак бўлади. Ушбу хизматлар Республика савдо-саноат палатаси фаолиятининг асосий йўналишлари бўлсада, вилоятда тадбиркорлик фаолиятини мувофиқлаштирувчи тизимни ташкил этиш натижаси мавжуд худудий, тармоқ имкониятларидан максимал даражада фойдаланиш ва иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ечишга бўлган ёндашувларни шакллантириш талабини келтириб чиқармоқда.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг бошқарув тизимидаги ўзига хос илмий-услубий асосларини ўрганиш, ушбу соҳа фаолияти асосий йўналишларини белгилаш, тармоқда самарали бошқарув тизимини яратиш, шунингдек, бошқарув фаолияти ва структурасини шакллантириш, тадбиркорлик фаолиятини самарали бошқариш механизминини ишлаб чиқишни тақозо этади. Наманган вилоятида кичик бизнес фаолиятини ривожлантиришда бошқарув механизмлари таъсирчанлигини таъминлаш асосий йўналиш сифатида қаралиши лозим.

2. Тадбиркорлик субъектлари самарадорлигини оширишнинг фундаментал асоси уларни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизминини қай даражада шакллантирилгани ва фойдаланиши билан изоҳланади. Ташкилий-иқтисодий механизмни шакллантиришда элементли, яъни механизмни ташкилий тузилма элементларининг ўзаро алоқадорликдаги тизим сифатида ҳамда функционал, яъни механизм аниқ мақсадларга эришиш учун йўналтирилган фаолият турларининг мажмуи деб қараш лозим.

3. Тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий-иқтисодий механизминини такомиллаштириш уларда бошқарув тизимини такомиллаштириш, инвестицион ва инновацион жараёнларни фаоллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, иш билан банд этиш ва унумдорликни ошириш имкониятини яратиб беради. Амалга оширилган таҳлил натижалари Наманган вилоятида тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизминини самарали ташкил этиш ҳамда иқтисодий фаоллик асосида ривожланишга қаратилган иқтисодий механизм тармоқ хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда инвестицияларнинг таъсир мувозанатини таъминлаш асосида амалга оширилиши лозим, деган хулосага келиш имконинини берди.

4. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини иқтисодий тармоқлари доирасида таҳлил қилиш ва ўрганиш мақсадга мувофиқ. Таҳлил натижалари тадбиркорлик субъектлари учун берилган кредитлар ва киритилган

инвестициялардан самарали фойдаланиш даражасини 0,5 кўрсаткичдан юқори деб олсак, берилган кредитлар саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга самарали таъсир кўрсатган. Киритилган инвестицияларнинг самарадорлик даражаси паст кўрсаткичга эга бўлиб, фақатгина ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ижобий натижа аниқланган. Уларнинг самарали фаолият юритиши учун тадбиркорлик фаолиятининг инновацион ривожланиш механизмини ишлаб чиқиш талаб этилади.

5. Наманган вилоятида амалга оширилган таҳлил натижалари тадбиркорлик соҳасининг инновацион ривожланиш жараёни стратегик йўналишини аниқлаш имконини беради. Тадбиркорлик фаолиятининг инновацион ривожланиш жараёнининг стратегик йўналиши имкониятларини инобатга олган ҳолда унинг кучли томонларини («имконият кучи») рўёбга чиқаришга, кучсиз томонларини йўққа чиқаришга ва таҳликанинг олдини олишга қаратилган бўлиши керак. Маҳсулотлар ишлаб чиқаришни инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш соҳани ривожланишини янги босқичга чиқиш имконини беради.

6. Вилоятда кичик бизнес субъектларига ажратилаётган кредитлар, киритилаётган инвестициялар, улардан самарали фойдаланиш ва ишлаб чиқаришга йўналтириш тадбирларини амалга оширишда тармоқ хусусиятларини инобатга олиш лозим. Наманган вилоятида тадбиркорлик субъектларини бошқаришнинг тармоқ манфаатларини таъминловчи «ўзаро таъсирли ривожланиш занжирлари»нинг интеграцион фаол тизими асосида шакллантирилган механизм тармоқлардаги номутаносибликни ҳал этишга ёрдам беради. Жумладан, вилоятда кичик бизнес субъектларига киритилаётган инвестициялар, улардан самарали фойдаланиш ва ишлаб чиқаришга йўналтириш тадбирларини амалга оширишда тармоқ мақсади тадбиркорлик субъектлари хусусиятларини инобатга олган ҳолда бошқарувни амалга ошириш тартибини белгилаб беради.

7. Наманган вилоятида тадбиркорлик субъектлари фаолиятида инвестициялардан самарали фойдаланиш учун улар фаолиятини рағбатлантиришнинг замонавий «Experimental adaptation» тизими асосида ташкилий-иқтисодий механизмини шакллантириш лозим. Тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми куйидаги функцияларни бажариши керак: рағбатлантирувчи-мотивацион ва компенсацияловчи. Шундай қилиб, шахсий ва гуруҳли манфаатлар мослашувига эришилади.

8. Тадбиркорлик фаолияти инфратузилмасининг ташкилий-иқтисодий механизми ҳудудларда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналиши сифатида белгилаб берилган ахборот-таҳлил, ресурс таъминоти, илмий тадқиқот ва назоратни мувофиқлаштирувчи тизимнинг ташкил этилиши асосида ваколатларни интеграциялаш, натижада ўзаро мунобатларга асосланган бошқарув шаклланишига эришилади.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
LIST OF PUBLISHED WORKS

I бўлим (I часть; I part)

1. Ибрагимов И.У. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тадбиркорлик фаолиятини ташкилий-иқтисодий бошқариш механизмини такомиллаштириш масалалари. //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар (Илмий электрон журнал). –Тошкент, 2018. №6. (08.00.00; №10).

2. Ибрагимов И.У. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш масалалари //Biznes-Эксперт. – Тошкент, 2019. - №8. Б.96-98. (08.00.00; №3).

3. Ибрагимов И.У. Evaluating the intellectual ability of entrepreneurship subjects and managers in market conditions. //Bulletin of science and practice, Volume 4(5) 2018, – P.390-395. ISSN 2414-2948. (27) Impact Factor(SJIF)-3.34; (5) Global Impact Factor(GIF)-0,45.

4. Ибрагимов И.У. Improvement of the organizational and economic mechanism of the infrastructure of entrepreneurship development. // Innovative economics and management, Volume 5(2) 2018, -P. 269-273. ISSN 2449-2418. (17) Impact Factor (CGIJ OAJI)-0.201.

5. Ибрагимов И.У. Кичик тадбиркорлик субъектларининг интеллектуал салоҳиятини баҳолашнинг локал кўрсаткичлар тизими. // Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш йўллари. Республика илмий-амалий анжумани. –Тошкент, ТДИУ. 2012. Б.202-203.

6. Ибрагимов И.У. Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти. //Иқтисодиётни модернизациялаш стратегияси: муаммолар ва инновацион ривожланишга ўтиш йўллари.Республика илмий-амалий анжумани. –Тошкент, 2011. Б.189-190.

7. Ibragimov I.U. Methods of increasing efficiency of business activities innovation mechanism. //100 лет Мот: содействие социальной справедливости, продвижение достойного труда. Тридцать вторые международные Плехановские чтения. Материалы Международной научно-практической конференции. –Москва, 2019. С.461-462.

8. Ибрагимов И.У. Тадбиркорлик фаолиятини бошқариш механизмини таҳлил қилишнинг услубий тамойиллари ва баҳолаш усулларини такомиллаштириш. //Актуальные научные исследования в современном мире. Материалы VII Международной научно-практической интернет-конференции. –Переяслав-Хмельницкий, 2015. Б.126-130.

II бўлим (II часть; II part)

9. Ибрагимов И.У., Н.Махмудов, К.Мирдадаев О.Казаков. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ташкилий – иқтисодий тизимини такомиллаштириш. Монография. – Тошкент, 2011. Б-334.

10. Ибрагимов И.У., Турсунов Б.О. Enhancement the mechanism of analyzing of the methodological principles for the development and improvement of methods of assessment.//Аудит, 4, 2017. – P.11-13. ISSN 2227-9288.

11. Ибрагимов И.У. Ишсизлик муаммосини бартараф этишда кичик ва ўрта бизнес аҳамияти//Бозор, пул ва кредит. – Тошкент: 2003. – №8. Б.48-49.

12. Ибрагимов И.У., Н.Маҳмудов, К.Мирдадаев О.Казаков, Р.Аҳмедов. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози шароитида кичик бизнесни бошқариш. Монография. – Наманган, « Наманган» нашриёти 2009. -152 б.

13. Ибрагимов И.У. The evaluating of the local system the intellectual ability of entrepreneurship // Современные научные исследование и разработки, научно-практическое периодическое журнал. –Москва, 2016. -№2(2) С. 23-25.

14. Ибрагимов И.У., А.Оқбоев. Худудларда хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш масалалари // – Фарғона, ФарПИ илмий-техника журналы, 2016. -№2. Б.181-183.

15. Ибрагимов И.У., А.Оқбоев. Саноатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ишлаб чиқаришга йўналтириш масалалари// – Фарғона, ФарПИ илмий-техника журналы. -№4 2015. Б.151-154.

16. Ибрагимов И.У. Маҳаллаларда хунармандчилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлиги// Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни диверсификациялаш ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнида давлат ва хусусий секторнинг ҳамкорлиги ҳамда кадрлар салоҳиятини оширишнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий анжумани. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Наманган вилоят худудий бошқармаси. – Наманган, 2016. Б.16-21.

17. Ибрагимов И.У., Дадажонов Р.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ишлаб чиқаришга йўналтириш масалалари// НамДУ Илмий ахбороти. – Наманган, 2015. -№1. Б.420-424.

18. Ибрагимов И.У., Дадажонов Р.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда реклама ва коммуникацион тизимдан самарали фойдаланиш//НамДУ Илмий ахбороти. – Наманган, 2015. – №1. Б.400-404.

19. Ибрагимов И.У., Раҳимов Я. Истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектларининг ривожлантириш истиқболлари//ФарПИ илмий-техника журналы. –Фарғона, 2015. -№1. Б.117-119.

20. Ибрагимов И.У., Дадажонов Р.А. Наманган вилоятида кичик бизнес салоҳиятидан самарали фойдаланишда бошқарув механизмларини такомиллаштириш йўллари // Ёш олимлар ва талабаларнинг «21 аср интеллектуал авлод асри» шиори остидаги худудий илмий-амалий анжумани. – Наманган, 2015. Б.222-224.

21. Ибрагимов И.У. Человеческий фактор в стратегических концепциях управления предприятиями Узбекистана//Проблемы и перспективы научных исследований. Талабаларнинг 18 илмий – амалий конференцияси. – Краснодар, 2014. Б.21-28.

Автореферат «Жамият ва бошқарув» журнали таҳририятида таҳрирдан ўтказилди (24.08.2019 йил).

Босишга рухсат этилди: 20.09.2019 йил.
Бичими 60x84 ¹/₁₆, «Times New Roman»
гарнитурда рақамли босма усулида босилди.
Шартли босма табағи 3,7. Адади: 100. Буюртма: № 129.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент, Интизор кўчаси, 68.

«АКАДЕМИЯ НОШИРЛИК МАРКАЗИ»
Давлат унитар корхонасида чоп этилди.